
“Наврўз” маҳалласидаги 150 дан зиёд хонадонларнинг электр таъминоти яхшиланмоқда

Марғилон шаҳридаги “Наврўз” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ электр тармоқларини янгилаш ишлари олиб борилмоқда.

Лойиҳага кўра, шу кунгача 89 дона янги темир-бетон ҳудудга олиб келиб ўрнатилди. Мутахассислар томонидан 2,0 км узунликда 0,4-10 кВли янги электр узатиш тармоғини қуриш ишлари якунига етказилди.

Бундан ташқари маҳалладаги мавжуд трансформатор пунктини юқини енгиллатиш мақсадида қўшимча бир дона янги трансформатор пункти ўрнатилди.

Бунинг натижасида маҳалланинг 150 дан хонадонининг электр таъминоти яхшиланмоқда.

Айни вақтда янги ўрнатилган трансформатор пунктини якуний монтаж қилиш ишлари бажарилмоқда.

2023-03-31 18:01:37